

**Конимех тумани аҳолиси томонидан Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарга
келиб тушган мурожаатлар бўйича
МАЪЛУМОТ**

10.07.2026 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига жорий йилнинг **6 ой** давомида, жисмоний ва юридик шахслар томонидан жами **572 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврида **523 та** мурожаатлар қайд этилган, **ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (49 тага 9 фоизга кўпайган).**

Келиб тушган **572 та** мурожаатларнинг **526 таси** кўриб чиқилган бўлиб, **200 таси (38%)** ижобий ҳал этилган. **276 таси** ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ҳал этилган, **8 тасига** тушунтириш берилган, **6 таси** кўрмасдан қолдирилган, **15 та** мурожаат тугатилган, **8 та** мурожаат рад этилган. **7 та** мурожаат маълумот учун қабул қилинган, **6 та** мурожаат узоқ муддатли назоратга олинган, қолган **46 та** мурожаат кўриб чиқиш жараёнида.

Келиб тушган **572 та** мурожаатларда энг кўп кўтарилган масалалар **56 таси** Алимент, қарз ундириш ва ижро иши юритишга оид бошқа масалалари, **52 таси** Нафақа тайинлаш, моддий ёрдам ажратиш ва пенсияга оид масалалари, **46 таси** Уй-жой таъминотига оид масалаларга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига жорий йилнинг **6 ой** давомида энг кўп келиб тушган мурожаатлар туман ташкилотлар кесимида таҳлил қилинганда Конимех тумани ҳокимлиги **37 та** мурожаат келиб тушган **ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22 тага 37 фоизга камайган**, Конимех туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига **35 та** мурожаат келиб тушган **ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 19 тага 35 фоизга камайган**, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Конимех тумани бўлимига **14 та** мурожаат келиб тушган **ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13 тага 48 фоизга камайган**), "Конимехтумангаз" газ таъминоти бўлимига **9 та** мурожаат келиб тушган **ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16 тага 64 фоизга камайган**, Конимех туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимига **9 та** мурожаат келиб тушган **ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9 тага 50 фоизга камайган бўлсада**, Конимех тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар марказига **30 та**, мурожаат келиб тушган **ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22 тага 73 фоизга ошган**, Конимех тумани оила ва хотин-қизлар бўлими **29 та**, мурожаат келиб тушган **ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 20 тага 68 фоизга ошган**, Конимех туман тиббиёт бирлашмасига **26 та**, мурожаат келиб тушган **ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12 тага 46 фоизга ошган**, Мажбурий ижро бюроси Конимех туман бўлимига **23 та**

муурожаат келиб тушган ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5 тага 21 фоизга ошган.

Аҳолидан энг кўп келиб тушган муурожаатлар маҳаллалар кесимида таҳлил қилинди. энг кўп муурожаатлар 119 таси Зафаробод, 107 таси Бирлик, 107 таси Наврўз, 66 таси Шўртепа маҳаллалари аҳолисига тўғри келмоқда. Муурожаатлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таҳлил қилинганда Наврўз маҳалласида 46 тага 43 фоизга ошган, Шўртепа маҳалласида 30 тага 45 фоизга ошган, Зафаробод маҳалласида 20 тага 18 фоизга ошган.

Аҳоли томонидан келиб тушган 572 та муурожаатларнинг 304 таси 53 фоизи Республиканинг бошқа ҳудудларига тўғри келади. Ушбу келиб тушган муурожаатларнинг асосий қисми Суд ҳуқуқ масаласида, Алимент, қарз ундириш ва ижро иши юритишга оид бошқа масалалар ҳамда иш ҳақларини ундириш масалаларида келиб тушган.

Конимех туманидаги Халқ қабулхонасининг
мудири ўринбосари в.б.

А.Обиддинов